

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOIIY-  
SIYOSIIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 30-DEKABR ■ PAYSHANBA ■ 159-160 (27.335) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

## КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

Болалар — миллат келажиги. Шу боис юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлоднинг соғлом, ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар йили мамлакатимизда «Президент арчаси» томошаларининг ўтказилиши, кичкинтойларга Юртбошимиз номидан совға-саломлар берилиши ана шу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Кичкинтойларнинг бу йилги қувончли байрами пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида ўтказилди. Тадбир «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ташкилотчилигида ўтди.



Байрамга Тошкент шаҳридаги барча Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, «SOS-Болалар маҳалласи» тарбияланувчилари, маҳалларда истиқомат қилаётган ота-она меҳридан бебахра болалар, оила бошлиқлари хизмат вази-фасини ўташ вақтида халқ бўлганларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Айтиш жоизки, яқунлиги бораётган Меҳр ва муруват йилида айнан ардоқ ва эъзозга эҳтиёж-манд, қаровчисини йўқотган оила фарзандларига эътибор кўрсатиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдек хайрли ишлар қўлами янада кенгайди. Бундай савобли ишларга нодавлат ташки-

лотлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси шундай фаол ташкилотлардандир. Жамғарма болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, истеъдодини рўёбга чиқариш, келгусида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун кўмаклашишга қаратилган қўллаб-таъдбирларни амалга оширмоқда.

... Мусиқа янграйди. Томошабинлар — кичкинтойлар Қорбобо, Зумрад, Мусиқа қироличаси, Уйинчоқлар маликаси каби эртақ қаҳрамонлари билан биргаликда «Сехрли китоб» театрлаштирил-

ган томошасининг бевосита иштирокчисига айланади. «Томоша», «Семурғ» каби мусиқий гуруҳлар, эстрада юдузлари, цирк усталарининг чиқишлари тантаналарга алоҳида завқ ва шавқ бахш этди. Томошалар якунида болаларга давлатимиз раҳбари номидан совғалар берилди. «Президент арчаси» томошалари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давом этади.

**Назозат УСМОНОВА,**  
**Ўза мухбири**

Суратларда: тантанадан лавҳалар.  
**Сарвар ЎРМОНОВ (Ўза) олган суратлар**



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**  
**В.И.Норовни Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси**  
**этиб тайинлаш тўғрисида**

Владимир Имомович Норов Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 декабрь

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI DEPUTATLARI SAYLOVI B'YIYCHA AYRIM OKRUGLARDA TAKRORIIY OVOZ BIRISHNI O'TKAZISH TUG'RISIDA

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиклик руҳида ўтган сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. 94 округда ёки округлар умумий сонининг 78 фоизидан бitta депутатлик ўринга 4-6 номзод қўйилган эди.

Округ сайлов комиссияларининг 2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайлов натижалари бўйича баённомаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари бўйича 58 та сайлов округида номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламаганини аниқлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та сайлов округида такрорий овоз бериш 1-иловага мувофиқ 2005 йил 9 январда ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки,  
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғри-

сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 45-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш асосий сайлов даврида сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган икки нафар

номзод бўйича ўтказилади; такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари мувофиқ ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан таъдбирлар дастури тасдиқлансин.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси Б.МУСТАФОЕВ**  
Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 декабрь

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг**  
**2004 йил 29 декабрдаги қарорига 1-илова**

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

- 3-Темирийўл сайлов округи
- 5-Кўйлик сайлов округи
- 7-Дўмбиро bod сайлов округи
- 8-Ҳадра сайлов округи
- 10-Астро bod сайлов округи
- 11-Тўқимачи сайлов округи

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

- 14-Балиқчи сайлов округи
- 16-Асака сайлов округи
- 18-Булоқбоши сайлов округи
- 19-Жалолқудуқ сайлов округи
- 20-Кўрғонтепа сайлов округи
- 21-Избоскан сайлов округи

### БУХОРО ВИЛОЯТИ

- 26-Варахшо сайлов округи

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

- 31-Дўстлик сайлов округи

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

- 34-Навоий сайлов округи
- 35-Қизилтепа сайлов округи
- 37-Хатирчи сайлов округи

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

- 38-Поп сайлов округи
- 39-Чуст сайлов округи
- 42-Янгиқўрғон сайлов округи
- 43-Уйчи сайлов округи

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

- 48-Сугдиёна сайлов округи
- 49-Булуғур сайлов округи
- 50-Иштихон сайлов округи
- 52-Қорадарё сайлов округи
- 53-Нарпай сайлов округи
- 54-Оқдарё сайлов округи
- 55-Пастдарғом сайлов округи

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

- 61-Сайхун сайлов округи
- 62-Янгиер сайлов округи

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

- 63-Шеробод сайлов округи
- 64-Ангор сайлов округи
- 65-Термиз сайлов округи
- 66-Жарқўрғон сайлов округи
- 67-Қумқўрғон сайлов округи
- 68-Шўрчи сайлов округи

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

- 71-Ангрён сайлов округи
- 73-Бўка сайлов округи
- 75-Зангиота сайлов округи
- 77-Паркент сайлов округи
- 78-Тўйтепа сайлов округи
- 79-Чиноз сайлов округи
- 80-Чирчиқ сайлов округи

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

- 83-Беширик сайлов округи
- 84-Данғара сайлов округи
- 85-Яйпан сайлов округи
- 86-Қўқон сайлов округи
- 89-Риштон сайлов округи
- 91-Охунбоев сайлов округи
- 93-Фарғона сайлов округи
- 94-Водил сайлов округи
- 95-Тошлоқ сайлов округи

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

- 104-Қарши сайлов округи
- 106-Қамаши сайлов округи
- 110-Китоб сайлов округи

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI

- 114-Нукус сайлов округи
- 118-Хўжайли сайлов округи
- 119-Чимбой сайлов округи

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

29 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев 26 декабрда сайлов қонун доирасида, очиклик ва ошкоралик асосида ўтганини ҳамда округ сайлов комиссияларидан олинган баённомаларни ўрганиб чиқиш натижасида ушбу сайловда Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 округдан депутатликка номзодлар зарур миқдордаги овоз тўплай олмаганини аниқланганини маълум қилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси

ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб боришда белгиланган аввалги тартиб-қоидаларга амал қилади. Сайловолди ташвиқоти такрорий овоз беришни тайинлаш тўғрисидаги қарор расман эълон қилинган кундан бошланади ҳамда такрорий овоз бериш куни арафасида тўхтатилади.

Марказий сайлов комиссияси такрорий овоз беришга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича таъдбирлар дастурини тасдиқлади.

Мажлисида қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**Ғулом МИРЗО,**  
**Ўза мухбири**

## ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

*Азиз дўтлар!*  
*Ҳурматли ватандошлар!*  
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси номидан партияимизнинг барча аъзолари ва кўп сонли хайрихоҳларини кириб келаётган Янги йил билан самимий табриклаймиз!

2005 йил мамлакатимизда ислохотларнинг олиб борилиши, демократиянинг ривожланиши ва халқимиз фаровонлиги ошишида янги босқич бўлади деб ҳар биримиз ишонамиз.

Барчангизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик, осойишталик ва файзу барокат, Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда янги муваффақиятлар тилаймиз!

Янги йил қутлуғ бўлсин, қадрли юрtdoшлар!

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси**  
**Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси**



## ТЕЗЮРАР ПОЕЗД БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ



Янги йил арафасида йўловчилар учун яна бир қулайлик яратилди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Тошкент — Бухоро — Тошкент» йўналиши бўйича синов рейсини амалга оширди. Бундан асосий мақсад — аҳолининг узоғини яқин қилиш, хорижлик сайёҳлар учун тарихий обидаларни зиёрат қилишга янада қулай имкон яратишдир.

Синов рейсини ўтказишдан мақсад, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд нуқсонларни бартараф этишдан иборат.

Эътиборлиси шуки, мазкур «Шарқ» тезюра р поезди 2005 йил «Наврўз» байрами арафасида йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

Суратларда: синов пайтидан лавҳалар.  
**Муҳаммад АМИН (Ўза)**  
олган суратлар

**ХАЛҚ БАНКИ —**  
**СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**

Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR**  
**MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
**MULKIDORGA HAMKORI!**

Тел: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

**ALQOBANK —**  
**aniq, tez, ishonchli!**

Тел: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22  
WWW.alokobank.uz E-mail: info@alokobank.uz

Хизматлар лицензияланган

**МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЎТҚАЗИЛИШINI КУЗАТИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА**

**БАЁНОТИДАН**

● Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилар миссияси бевосита Ўзбекистон Республикасида 2004 йил 30 ноябрда ўз иштини бошлади.

● Ҳамдўстлик Кузатувчилар миссияси фаолиятини таъминлаш мақсадида Тошкентда Миссиянинг штаби, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида эса унинг бўлимлари очилди.

● МДХ Кузатувчилар миссияси вакиллари Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ўрганиш, Марказий сайлов комиссияси фаолияти, барча даражадаги сайлов комиссиялари иши билан танишиш ва улардан зарур ахборот олиш, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, депутатликка номзод кўрсатган барча сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мулоқотда бўлиш, сайлов участкаларини эркин кўздан кечириш имкониятига эга бўлдилар.

● Сайлов жараёнини Ҳамдўстлик давлатларидан 78 нафар халқаро кузатувчи кузатиб борди. Уларнинг бир қисми узоқ муддатли асосда сайлов мониторингини ўтказди. Улар ўз фаолияти доирасида республиканинг аксарият ҳудудларидаги округ ва участка сайлов комиссияларида бўлдилар.

● Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни кузатишда бошқа халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлардан 149 кузатувчи иштирок этди. Округ сайлов комиссиялари томонидан 30 000 дан ортиқ маҳаллий кузатувчи, республика ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 500 га яқин журналисти аккредитация қилинди.

● МДХ халқаро кузатувчилари 1999 йилги парламент сайловидан кейин ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилигининг катор ҳуқуқий меъёрлари сайлов тизимини демократлаштириш йўналишида такомиллаштирилганини қайд этдилар.

● Жорий этилган энг муҳим янгилликлар қаторига маҳаллий Кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлигини, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганда хотин-қизлар учун квота белгиланганлигини, шунингдек сайловда ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини кiritиш мумкин.

● Сайлов кампаниясида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган беш партиянинг ҳаммаси қатнашди. Улар Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясига 467 депутатликка номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжат топширди, шундан 461 нафари рўйхатга олинди. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги талабларига асосан олти номзоднинг судланганлик ҳолати тугалланмаганлиги ёки олиб ташланмаганлиги сабабли улар рўйхатга олинмади.

● Округ сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг 150 ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинди, улардан 64 таси депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжат тақдим этди. Қолганлари эса қонунчиликка белгиланган зарур миқдордаги сайловчилар имзоларини тўлайти олмади. Сақиз нафар давъогоар тўплаган имзо варақаларидаги фуқаролар имзоларининг кўпчилиги қалбаки бўлганлиги сабабли уларни рўйхатга олиш рад этилди. Шундай қилиб, сайлов жараёнида 56 нафар муस्ताқил номзод иштирок этди.

● Сайловда парламентнинг қўйи палатаси депутатлигига 120 ўринга қўйи босқичда 517 ном-

зод давъогоарлик қилди. Шу билан бирга, сайловда кампанияси давомида 27 номзод ўз аризасини қайтариб олди.

● Депутатликка номзодларнинг деярли барчаси олий маълумоти, уларнинг 30 фоиздан ортиги ҳуқуқшунос ва иқтисодиёт соҳаси мутахассислари, номзодларнинг 31 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

● МДХ Миссияси раҳбариятининг ваколатли органларга сайлов қонунчилигига риоя қилиш борасидаги сўровномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий судига сайлов комиссияларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олишни рад этиш билан боғлиқ ҳаракатлари бўйича тушган учта шикоят аризаси қўриб чиқилаётгани ҳақида маълумот олинди. Олий суд томонидан бу шикоятлар қаноатлан-тирилмаган.

● Шуни таъкидлаш керакки, умуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш очик ва ошқоро тарзда амалга оширилди. Сайловчилар сайлов ҳаракатларини амалга ошириш муддати ва тартиби, сайловда иштирок этган сиёсий партияларнинг сайловдаги платформалари ва депутатликка номзодларнинг дастурларидан хабардор қилинди.

● МДХ кузатувчилари сайловда курашлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида, фирром технологиялардан фойдаланмаган ҳолда, тартибли ўтганини қайд этдилар.

● МДХ халқаро кузатувчилари Ўзбекистонда ташкил этилган 120 сайлов округидан 113 тасида кузатув ишларини олиб бордилар.

● Кун давомида МДХ кузатувчилари 612 участкада бўлдилар. Улар Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар билан учрашдилар.

● Овоз бериш жараёнида МДХ кузатувчилари томонидан айрим жузъий нуқсонлар қайд этилди. Масалан, баъзи бир сайлов участкаларида овоз бериш қўтилари сайлов комиссияси ва кузатувчилар назари тушмайди ҳолати қўйилган, бир сайловчи оила аъзолари учун овоз бериш ҳоллари ҳам учради. Техник хусусиятга эга бошқа камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Бироқ бундай жузъий нуқсонлар бевосита кузатиш давомида бартараф этилди.

● Участкалар ёпилганидан сўнг МДХ Миссияси аъзолари сайловчиларнинг овозлари санаб чиқилишини, участка комиссиялари томонидан сайлов натижалари тўғрисида баённомалар тузилишини кузатдилар. Бунда овозларни санаб чиқилишнинг қонунчилигига белгиланган тартибини бузиш ҳоллари учрамади.

● МДХ Кузатувчилар миссияси Ўзбекистон парламенти қўйи палатаси депутатлари сайлов ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтди, деб ҳисоблайди. Сайловга тайёргарлик, сайловда ташвиқотини ташкил этиш ва овоз бериш жараёнида қайд этилган жузъий камчилик ва нуқсонлар сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишига ва сайлов натижаларига сезиларли таъсир кўрсатмади.

● Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари 2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги меъёрларига мувофиқ ўтказилди ва сайлов қонуний, эркин ва транспарентлик асосида ўтди, деб ҳисоблайдилар.

— Ўзбекистонга 1993 йилда ҳам келган эдим, — деди ҳиндистонлик меҳмон. — Утган 11 йил мобайнида юртингизда катта ўзгаришлар бўлибди, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда кўпчилик бўлиб, бу шаҳарларнинг кифоаси тубдан ўзгарганлигига, гўзаллашиб бораётганлигига гувоҳ бўлдим. Кўчаларда сайр қилганда, очиги, манзараларни кўриб кўз қувнайди. Шаҳарсозликда замонавий меъморчиликдан унумли ва ўринли фойдаланилган. Миллий, шарқона услублар ҳам уйғунлаштирилгани учун шаҳарларнинг янада гўзал ва кўркамлашган.

Ўзбекистонда қонунчилик ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришилаётган ютуқлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан, икки палатали парламент ва унинг қўйи палатасига ўтказилган сайлов ҳақида. Бу мамлакатининг демократияни янада мустақамлаш учун

**Кузатувчилар фикри**

**ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИНИНГ ТАҲРИРИЯТГА ТАШРИФИ**

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловда кузатувчи сифатида қатнашган меҳмонлар орасида Ҳиндистондан келган вакиллар ҳам бор. Улардан бири — Ҳиндистон Миллий ахборот агентлиги муҳаррири, таниқли сиёсий шарҳловчи Мохан Кришен ДХАР «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятига ташриф буюриб, Бош муҳаррир билан суҳбат чоғида Ўзбекистондаги демократик жараёнлар, хусусан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов ҳақида фикр алмашди. Шунингдек, у Ўзбекистон, ўзбек халқи тўғрисидаги таассуротларини самимият билан билдирди.

тўғри йўл танлаганидан далолат. Сайловнинг қонунчилиги ва халқаро андозалардан келиб чиқилган ҳолда ташкил этилгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Мен сайлов жараёнларини кузатиб, ҳеч қандай қонунбузарлик ҳолатларини учратмадим. Сайлов очик, ошқоро ва адолатли ўтди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданияти, ҳуқуқий саводхонлиги анча ошган. Мана, 120 та номзоднинг деярли ярами тақрибий овоз беришга қолди. Бу нормал ҳолат. Шунинг ўзи сиёсий партиялар ўртасида қизгин кураш бораётганини билдирди. Шунинг ўзи сайлов демократик асосда ўтаётганини кўрсатади. Демак, халқ депутатликка номзодларни ўрганганлиги, танлаштириш, муҳими фикрлаштириш.

Биласизми, мен 1993 йилда келганимда бутунлай бошқача ҳолатни кузатгандим. Одамлар юзидан аллақандай



хомушлик бор эди. Савол-жавобдан ўзларини олиб қочишарди. Ҳозир эса одамлар юзидан очиклик, яхши кайфиятни кўрдим. Оддий одамлар ҳам демократик жараёнлар ҳақида фаол фикр юритаётди.

Жаноб Дхар суҳбат давомида сайловга тайёргарлик ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш, тарғиб қилиш ҳамда сайлов жараёнларини бевосита ёритишда «Ўзбекистон овози» газетасининг фаолияти билан ҳам қизиқди.

Хайрашув чоғида Мохан Кришен Дхар қўйидаги тиланиқ билдирди: — Ўзбек ва ҳинд халқи азалидан дўст ва биродар. Улар бир-бирининг тарихини, маданиятини жуда яхши билишади.

Мен фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини яқинлаштириш келаётган Янги йил билан самимий табриклаймман.

**Алижон АБДУРАХМОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири  
**Шавкат АКРАМОВ**  
олган суратлар



**Мана, кутилганидек, мамлакатимизда 26 декабрь куни сайловлар бўлиб ўтди. Уни 60 мингга яқин маҳаллий кузатувчи билан бирга 227 нафар хорижий кузатувчилар ва журналистлар ҳам кузатдилар. Аини вақтда кўпгина хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари бу сайловларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.**

**Хисао НАКАМУРА, Осакадаги ИВО халқаро бизнес ташкилоти президенти (Япония):**  
— Тўғриси айтсам, бу сайловлар шунчалик юксак даражада ўтади, деб ўйламаган эдим. Сайловчилар ўнда фаол иштирок этишди. Уларнинг 85 фоизидан ортиги овоз беришда иштирок этгани катта ютуқ, яхши натижа. Мен ҳали бирор-бир давлатдаги сайловда юз фоиз сайловчи иштирок этганини билмаман. Бу мумкин ҳам эмас. Агар эллик фоиздан кам сайловчи иштирок этганда, бу жуда ёмон кўрсаткич бўлар эди. Бу борада мамлакатингиз фуқаролари катта фаоллик кўрсатишди.

Икки йил аввал бизнес масалалари билан Ўзбекистонда

**«САЙЛОВЛАР МЕНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ»**

бўлганман. Очиги, шу қисқа вақт ичида шаҳарларнинг шунчалик ўзгариб кетишини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Одамларнинг юзларида ҳам самимийлик, ёруғлик, эзгулик аломатларини кўрдим.

Японияда ҳам икки палатали парламент тизими амал қилади. Мамлакат иқтисодиётини юқори даражага олиб чиқишда унинг ўрни беқийёс, албатта. Ўзбекистонда ҳам янги шаклланаётган икки палатали парламент мамлакатнинг буюк келажагини таъминлашга хизмат қилишига ишонаман.

**Лоридо ҲАЖЖИ, Рим халқаро маданият «Лимпучи» гуманитар университети профессори, сивеструнос (Италия):**  
— Негадир баъзи мамлакатларда ёшлар сайловларга унчалик кизиқмайди. Аммо, мен кузатдимки, Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларда ёшлар жуда фаол иштирок этдилар. Ундан ташқари мамлакатингиз қонунчилигида депутатликка номзодлар кўрсатишда аёлларга квота борлиги ҳам ижобий ҳолат. Бу охири-охибат аёлларнинг ҳам мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларига олиб келди. Италия қонунчилигида бундай қондалар мустақамлашмаган. Ёш ва овоз Ўзбекистоннинг ўрганиши, ўрнатилган арзидиган томонлари жуда кўп экан. Мен ўзим бунга яна бир қарра амин бўлдим.

**Мухаммад САЛОМА, «Ас-Сиёсий» газетаси бош муҳаррири уринбосари (Миср):**  
— Ўзбекистонга илк ташрифим 1986 йилларда бўлган эди. Шундан сўнг мамлакатингиз мустақилликка эришганидан кейин келдим. Айтишни керакки, икки ташрифим орасида юртингизда жуда катта ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ўзгаришлар юз берган. Аиниқса, демократиянинг қарор топиб, тез суръатлар билан ривожланиб бораётганини журналист ва сивеструнос сифатида мени ўзига ром қилди. Мен бу юртин жуда яхши кўраман, Президент Ислам Каримовни доно юртбоши, сиёсий арбоб сифатида ҳурмат қиламан. Шунинг учун фаолиятим давомида бу ўлкани кўп ўрганганман ва у ҳақда ёзганман

Бўлиб ўтган сайловлар ҳам мени лол қолдирди. Унда фуқароларингиз жуда фаол иштирок этди. Мен кузатувчи сифатида айтишни мумкинки, сайловлар демократик ва адолатли ўтди. Қонун ёки халқаро меъёрлар бузилишини кўрмадим. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси муҳтарам Бўритош Мустафоев 60 нафар атофида депутат сайлангани ва қолган сайлов округлари бўйича тақрибий овоз бериш ўтказилишини таъкидлади. Бу ўз навбатида Ўзбекистондаги сайловларда кучли рақобатлар остида ўтганини аналтади.

**Аҳмад Амин ВАЛИ, халқаро кузатувчи (Миср):**  
— Ўзбекистонга биринчи марта ташриф буюришим, Юртингиз тарихи, бугунги истиқбол ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали танишганман. Мана, бу дунёга келиб, мамлакатингиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибман. 13 йил ичида барча соҳаларда катта ислохотлар амалга оширилди.

Кўп учрашувларда иштирок

этидим. Илм аҳли билан бўлган мулоқотларда шунга ишондимки, олимлари қадрланган мамлакатнинг келажаги порлоқ бўлади.

Миср ҳукумати ва халқи юртингиздаги бу катта сиёсий жараёнга бефарқ эмас. Доимий равишда сайловлар билан боғлиқ янгилликларни кузатиб боришмоқда. Мен муस्ताқил Ўзбекистон Республикаси билан қизиқиб, қўйи билан-билан гапириб, бир нарсасида давлат этмоксини, бу юртдаги оламшумул ўзгаришларни, ривожланишни ўзлари келиб кўришим.

Фурсатдан фойдаланиб, «Ўзбекистон овози» газетаси орқали Миср ҳукумати ва халқининг республиканинг ҳукумати ва халқига саломини, энг эзгу тилларини етказмоқчиман. 2005 йилда мамлакатингиз бундан-да гуллаб-яшнасин. Бутун дунёда, шу қатори юртингизда ҳам абадий тинчлик бўлсин.

**Агар мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар тўғрисида ўзиниқ гапирсак, баъзилар буни мақтанчи ёки бошқа нарсасида ийиш мумкин, Шунинг учун ҳам биз айнан халқаро кузатувчиларнинг фикрлари билан қизиқдик. Бу фикрлар эса ҳолис ва адолатли эканлигига ҳеч шубҳа йўқ.**

**Бехзод АБДУҚАЮМ** ўғли,  
**Масъум МАҲМУД** ўғли

**ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ФЕСТИВАЛИ**



Суратда: фестивалдан лавҳа. **М.АМИН (ЎзА)** олган сурат

Янги йил арафасида Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залини мамлакатимизнинг иқтидорли болалари яратган юзлаб расмлар, амалий санъат намуналари беъзиди. Бу ерда «Янги авлод» болалар ижодиёти республика фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Уни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фонди ташкил этди.

Пойтахтга республика вилоятларидан энг истеъдодли ёш рассомлар, мусиқачилар, шoirлар, хонанда ва раққосалар тўпланди. Кеча Самарқандда бўлиб ўтган фестивалнинг очилишида улар ижодаги ўз ютуқларини намойиш этганди.

Муносиб ворислар, Ватан равақи йўлида халқимиз томонидан амалга оширилаётган улкан ва хайрли ишларни давом эттиришга қодир ёш авлод тарбиялаш Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг энг асосий вазифалардан бирига айланди. Уни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан биргаликда кўплаб жамоат тузилмалари, шу жумладан «Соғлом авлод учун»

халқаро ноҳуқумат хайрия жамғармаси, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси иштирок этмоқда. Ёш авлоднинг ақлий салоҳиятини оширишга, уни ҳар томонлама биллими, баркамол этиб тарбиялашга қаратилган қатор давлат дастурлари ва турли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фонди маданият ва санъати форуми ҳам узвий қисми ҳисобланади. Фонд ўзбек халқининг бой маданий-тарихий меросини мамлакатимиз ва хорижда тарғиб қилиш, фан, маданият, таълим соҳасидаги улкан салоҳиятни рўёбга чиқариш учун кенг жамоатчилик сый-ҳаракатларини бирлаштириш билан шуғулланади. Иқтидорли болаларга алоҳида эътибор кўрсатиш лозим. Улар бир қанча халқаро танловларда ижодий имкониятларини намойиш этиб, ёш рассомлар, мусиқачилар ва хонандалар мусобақаларида ўз ғалабалари билан Ўзбекистонимиз шарафини дунёга ёйишга ҳисса қўшган. Фонд томонидан ташкил этил-

ган мазкур фестивалнинг бош мақсади — болалар ижодиёти соҳасидаги ютуқларни кўрсатиш, бу борадаги энг истиқболли лойиҳаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдодларнинг кўп қиррали, чўқур ва ёрқин оламига жамоатчилик эътиборини яна бир бор жалб этишдир.

Фестивалда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 300 га яқин бола олти номинация — мумтоз мусиқа, миллий чолғу асбоблари, хонандлик, рақс, тасвирий санъат ва шеърят бўйича иштирок этди. Саралаш босқичлари натижаларига кўра санъатнинг турли соҳалари бўйича истеъдодли болалар аниқланди. Уларнинг маҳоратини таниқли маданият ва санъат арбобларидан иборат хайрат баҳолади.

Фестивалнинг финалига ўз шогирдлари билан бирга уларнинг ўқитувчилари, мураббийлари ҳам келди. Болаларнинг қулгулари, кўргазмалар залини бебағав турли рағндаги безаклар ва ҳаво шарлари байрам кайфиятини яратди. Тантанадан олдин ёш рассомлар учун таниқли мўйқалам устала-

Наманган шаҳри ва туманлари бўйича йўналишларга 46 та «Отайўл» русумидаги автобус чиқарилди



**ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДАГИ ТУҲФА**

Наманганда янги автобуслар олиш ҳақида кўп гапирилар эди. Ҳукумат ёрдами ва вилоят ҳокимлигининг сый-ҳаракати билан ана шу оруз ушлади. Жамоат транспортига учта қатъий талаб қўйилди: биринчиси, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун махсус малакали хайдовчилардан фойдаланиш; иккинчиси, қатъий жадвалга биноан белгиланган йўналишининг уйдасидан чиқиш; учинчиси, йўловчиларга қафолатланган сифатли ҳамда маданиятга хизмат кўрсатиш.

Хусусий мулкдорларнинг пала-партиш хизматидан, жамоат транспортидидаги беқарорликдан қўнғиллари тўлмаётган наманганликларнинг муаммо ечими топилганлигидан мамнуликлар чексиз.

Муҳими шуки, Наманган шаҳри йўналишларига қўйилган «Отайўл» автобусларида йўлқури нархи 50 сўм қилиб белгиланди. Қўнғий имтиёзга эга бўлган нафақахўрлар ҳамда мактаб ўқувчилари мазкур транспортлар хизматидан бепул фойдаланадилар. Олий ва ўрта махсус ўқув юртли талабалари эса йўл ҳақининг 50 фоизи, яъни 25 сўм миқдориди йўлқури тўлайдилар.

Янги йилнинг биринчи чорағида вилоят ҳудудидида йўналишларга яна 50 та янги автобус қўйилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

**А.ИВАНОВА,**  
**ЎзА мухбири**

Табиат ва биз

БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ  
САҚЛАШ ЙЎЛИДА

2000 йилдан БМТ Тараққиёт дастури ЮНЕСКОнинг Глобал экологик жамгармаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш модели сифатида Нурота — Қизилқум биосфера резерватини яратиш» лойиҳасини амалга оширяпти. Яратилажак биосфера резерватининг умумий майдони бир миллион гектардан зиёдрок, У Жиззах вилоятининг Фориш, Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Кўшработ, Навоий вилоятининг Нурота ва Қонимех туманлари ҳудудини ўз ичига олади.

Айни пайтда БМТ вакиллари, Глобал экологик жамгарма, халқаро экологик ташкилотлар вакиллари, хорижий экспертлар, Ўзбекистон Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги каби идора ва ташкилотларнинг вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи кенгаш ушбу лойиҳани амалга ошириш борасида иш олиб бораётир. Мазкур кенгашнинг Фориш тумани маркази — Янгиқишлоқда бўлган навбатдаги мажлисида 2000 йилдан буён амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, келгуси йилдаги вазифалар белгилаб олинди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Александр Григорьяннинг айтишича, умумий майдори салкам 900 минг АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳанинг тўла амалга оширилиши минтақада табиат муҳофазасини янада кўчайтириб, биохилма-хилликни сақлашда муҳим омил бўлади.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири

ОҒАҲИЙГА ЭҲТИРОМ

Ўзбек мумтоз шеърятининг буюк намоёнаси Мухаммад Ризо Оғаҳий ҳазратлари таваллуд толган сана Хоразмда неча йилки ўзига хос шеърят байрами сифатида нишонланади. Бу галги аънанавий оғаҳийхонлик шоир ва таржимон, муаррих Оғаҳий таваллудининг 195 йиллигига бағишланди. Хива туманидаги Қиёт қишлоғида жойлашган шайх Мавлон бобо қабристонидидаги шоир қабри зиёрат қилинди. Шу қишлоқдаги шоир номи билан аталувчи богда мушоира ўтказилди. Шоир ва драматург, Оғаҳий номидаги жамгарма раиси Қомил Аваз, шоир ва таржимон Матназар Абдулҳақим, шоир Ошиқ Эркин, адабиётшунослар Абдулла Аҳмедов, Мадинабону Матқубова ва бошқалар шоир ижоди қирралари ҳақида мулоҳаза юритдилар.

— Оғаҳий даҳоси ҳали биз учун очилмаган қўриқ, — дейди шоир Матназар Абдулҳақим, — шўро йилларида Оғаҳийнинг тарихий асарлари деярли нашр қилинмади. Тарихчилар ва қадимшунослар такрор-такрор қайд қилишадиган машҳур тарихий асар — «Фирдавсиқбол»ни аллақачон мукамал ҳолда нашр қилиш вақти етган.

Рўзимбой ҲАСАН

Инсоният учинчи минг йилликда, қайсидир маънода сув муаммолари гирдобиде яшашапти. Ер юзининг бир қитъасида сув тақчиллиги ҳукм сураётган бўлса, аллақайси ҳудудларда одамлар сув тошқинларидан талафот кўряпти.

Таникли мутахассис олим, техника фанлари доктори Эрназар МАЪМУДОВ яқинда Японияда бўлиб, сув муаммоларига бағишланган халқаро илмий анжуманда қатнашди. У биз билан сафар тафсилоти ва кунчиқар юрт таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.

— Аввало, ушбу халқаро анжумандан кўзланган мақсад хусусида тўхталиб ўтсангиз. — Япония дунёдаги технология, техника тараққиёт чўққисига кўтарилган мамлакатлар сирасига қиради. Шунинг хисобига олган ҳолда БМТ Ҳиросима шаҳрида ўзининг ЮНИТАР — Таҳриба алмашиш ва тадқиқот марказини очган.

Хоккайдо оролидаги Кусимо шаҳрида, Кусимо дарё тизими базасида дунёнинг 25 та давлатидан йирик мутахассис, олимлар иштирокида халқаро илмий анжуман ташкил этилди.

Анжуман асосан Кусимо дарё сув ҳавзасида қандай қилиб сувдан самарали фойдаланиш тизимини яратиш мумкин деган муаммога бағишланди. Сақиз кўлик сафарининг (уч кун иўлда ўтган бўлса) беш кунда биз деярли бутун Хоккайдо оролини айланиб чиқдик. Дунё олимлари ўз тажрибаларини тақлиқ этди. Бу соҳада ҳар бир давлат вакили ўз фикрини баён қилди, биз ҳам. Иккинчи томондан, Хоккайдо мамлакатининг (билаимизки, Япония ороллари йиғиндисидир) энг йирик ороли хисобланади, беш ярим миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. У Япониянинг қуруқликдаги ҳудудининг 19-20 фоизини ташкил этади, деҳқончилик яхши ривожланган.

— Кусимо одамларининг турмуш тарзи қандай экан? — Дунёнинг кўлаб мамлакатларида бўлганман, экологик ёки бошқа табиий шарт-шароити ёмон, ночор аҳволда қай жойларни кўрганман. Сачиги, инсон боласининг яшаш шарт-шароити тўғрисида ҳеч қачон кўрмаган эканман. Кусимода тинмай кучли ер силкинишлари (ҳар кун!) бўлиб тураркан. Биз борган кунимиз (29 ноябрда) 7,5 баллдан ортиқ zilзила бўлди. Тинч океанидан келадиган 50-60 метр баландликдаги тўфонлар Кусимонинг устига «қуларкан». Ҳаёт учун хавфли бундай тўфонлар мураккаб шарт-шароитни юзага келтираркан. Кусимо вулқонлари ороли бўлиб, ҳали ҳаракатдаги жуда кўлаб вулқонлар мавжуд экан.

Умуман, инсон яшаши учун ўта мураккаб табиий шарт-шароитга эга бу оролдан қандай қилиб «самарали» фойдаланиш мумкин? Ҳирогри маълумотларга қараганда, йилдан-йилга орол аҳолисининг сони ортиб борапти. Бизга бу ҳолат бироз қизиқ туюлади, чунки биз табиий шарт-шароитларга, аҳоли сони камаяди, миграция кучаяди, деган тасаввурга эгамиз. Кучли zilзиладан «тебраниб» турадиган Кусимони нега аҳоли ташлаб кетмайди? Биз мехмонхонада 11-қаватда турдик, zilзиладан бирор жойга шикаст етмади, ваҳоланки, 7,5 баллик ер қимирлаши, баъзи жойларда ҳазилакам талафот келтирмайди-ку? Сабаби, жўнгина қанч, иншоотлар, бинолар, стол-стул, ҳуллас, ҳаммаси

аниқ илмий технология, ҳисоб-китобга асосланиб, zilзиллага бардошли, жиҳозлар пластикдан тайёрланган, эгилувчан, синмайди, ҳатто тошойнаям... Бирорта тизимга зарар етмайди.

Маълумки, кучли ер силкиниши океанларда кучли тўқинларни, тўфонлар, денгиз довулларини ҳосил қилади. Одамлар бундан умуман саросимага тушишмайди, билшадикки, ҳаммаси олдиндан ҳисобга олинган, коммуникация жуда мустаҳкам, инсон ҳаёти қафолатланган.

Кусимо «тебраниб» турган шаҳар...

Кусимо дарёси сувидан қандай самарали фойдаланиш

экосайёҳлик ривожланиб кетади, чунки унинг ҳайвонот дунёси ранг-баранг, Устюртмизда органик, ер ости бойликлари жуда кўп.

Мана, япон олимларининг айтишича, Тинч океани сувидеги бойликлари, Японияга ўхшаган яна 5-6 та давлатни боқиши мумкин. Сув фақат сув эмас, у бойлик манбаи, гап фақат ўша бойликка эришиш йўлини топишда қолган.

— Домла, сизни мутахассис сифатида японларнинг қайси тажрибаси кўпроқ қизиқтиради?

— Шундай фикрга келдим, Кусимодагидай ноқулай шарт-шароит бизнинг ҳудудда йўқ. Лекин японлар шундай муҳит-

йил яқунларидан қониқши ҳосил қилишасизми?

— Инсон ҳеч қачон ўз ишдан юз фоиз қониқши ҳосил қилолмайди. Шунинг учун эртанги кунга режа тузади, эрта бугундан яхши бўлишига умид боғлайди. Швейцария илмий фонди билан шартномалар туздиқ, Ўзбекистонда қурилган сув иншоотлари 30-35 йил муттафид фойдаланиш оқибатида эскириб, инсон ҳаёти учун хавфли ҳолатга келиб қолган. Бизнинг келгуси режамиз, ана шу иншоотларнинг фойдаланиш муддатини ва имкониятини ошириш муаммоси устида ишлаш. Яна бир жиддий масала — ичимлик сувига боғлиқ. Ҳиндистонликлар билан шартнома туздиқ. Улар ичимлик суви масаласида арзон технологиялар яратишган, биз билан арзон, қулай, содда технологиялар яратишда ҳамкорлик қилади.

— Одатда, хорижий сафарга борганлар ўша мамлакатдан бой таассурот олиш билан бирга баъзи ҳолатлардан ҳайратга тушганларини ҳам яширишмайди. Сизда ҳам шундай ҳолат бўлдики?

— Японияда қизиқ бир ҳолатни кузатдим. Япон телевидениеси, радио, газета, кўча-кўйларда тинмай эълонлар беришади: «... Японияга ҳуш келибсиз. Ҳўрматли сайёҳлар, бизнинг уйимизда барча шартлар бор, келиб бемалол яшанг, ижара ҳақи олмаймиз, еб-ичишингиз бизнинг ҳисобимиздан. Фақат битта шарт — оиламиз аъзолари билан фақат инглиз тилида гаплашасиз». Токиодан чиққангиз билан аҳоли умуман бошқа тилни, инглиз тилини билмас экан... Кўрдингизми, фақат техника тараққиёти билан дунёни забт этиб бўлмайди.

Шунинг учун Ўзбекистонда, айниқса, ёшларнинг хорижий, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини кўлаб-қувватлайман.

Сўзбедош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ТЕБРАНИБ» ТУРГАН ШАҲАР

Кусимо дарёси вулқонлардан пайдо бўлиб, суви шакланаркан, катталиги худдай бизнинг Зарафшон дарёсичалик суви ўта лойқа, қорамтир, қуларанг тусда, ҳайвонот дунёси, балиқларнинг рангия шундай бўлиб қолган.

Оролга янада кўпроқ одамларни жалб қилиш учун қандай шароит яратиш керак? Биринчидан, балиқчиликни ривожлантириш учун дарё ҳавзасида кўлар тизимини шакллантириш керак. Кусимо кўлар тизимида сув тиниб, балиқларнинг яшаши учун шароит яратилган. Дарёнинг қуйи қисмида унинг сатҳи доим ўзгариб туради, ветланд (сув-ботқоқ) тизими шакллантирилган. Кусимонинг ветланд тизими шундайки, у ернинг ҳайвонот дунёси ниҳоятда ранг-баранг-лаштирилган, кўларнинг атрофида қалин ўрмонзорлар барпо бўлган. Бу ерда Япония халқаро ветланд маркази ташкил қилинган ва у жуда катта дастур асосида иш олиб борапти.

Сафар чоғида ўрмонзорлар ҳосил қилиш бўйича Кусимода катта экотизм яратилганини

мумкин? Кусимо дарёси вулқонлардан пайдо бўлиб, суви шакланаркан, катталиги худдай бизнинг Зарафшон дарёсичалик суви ўта лойқа, қорамтир, қуларанг тусда, ҳайвонот дунёси, балиқларнинг рангия шундай бўлиб қолган.

Оролга янада кўпроқ одамларни жалб қилиш учун қандай шароит яратиш керак? Биринчидан, балиқчиликни ривожлантириш учун дарё ҳавзасида кўлар тизимини шакллантириш керак. Кусимо кўлар тизимида сув тиниб, балиқларнинг яшаши учун шароит яратилган. Дарёнинг қуйи қисмида унинг сатҳи доим ўзгариб туради, ветланд (сув-ботқоқ) тизими шакллантирилган. Кусимонинг ветланд тизими шундайки, у ернинг ҳайвонот дунёси ниҳоятда ранг-баранг-лаштирилган, кўларнинг атрофида қалин ўрмонзорлар барпо бўлган. Бу ерда Япония халқаро ветланд маркази ташкил қилинган ва у жуда катта дастур асосида иш олиб борапти.

Сафар чоғида ўрмонзорлар ҳосил қилиш бўйича Кусимода катта экотизм яратилганини

ни ташкил қилишни хоҳловчилар имтиёзли кредит олади. Улар маълум турдаги соликларга тортилмас ҳам экан.

Ҳозир бизнинг институтимиз ташландик сувлар ҳисобига пайдо бўлган, иккилам кўл тизимларида балиқчиликни шакллантириш устида илмий изланишлар олиб борапти. Бунинг учун сувнинг кимёвий ва гидрологик ўзгаришини маълум даражада бақорорлаштириш керак. Чунки Амударё суви таркибининг кескин ўзгариб туришига тиррик организмлар чидай олма-япти. Дарё сувининг сатҳи, гидрологик, кимёвий таркиби кескин ўзгармаслиги учун Амударё сувини оқувчан тизимга айлантириш ёки доимий равишда уни маълум микдордаги сув билан таъминлаб туриш керак. Бу бош муаммодир. Балиқчиликдан ташқари, ветланд — сув-ботқоқ тизими шакланганча, чорвачилик учун қўшимча озуқа базаси пайдо бўлади. Дунё тажрибасидан маълумки, биз ана шу муаммоларни ечсак, Оролбўйидаги кўл тизимида

ни ҳам ҳаётга мослаштириш учун ниҳоятда катта ишларни амалга оширган ва уни янада ривожлантириш учун бутун дунё олимлари, мутахассисларининг диққатини тортишга ҳаракат қилляпти. Бизда-чи? Биз ҳам Оролбўйида ветланд тизимини яратишимиз керак. Мана, Хоккайдо ороли фақат ўртамеъна кўмир қонигагина эга экан, холос, сафардан мақсад ҳам шу. Халқаро форумларда ҳамма ўз мамлакатининг манфаатига ҳисоб қилинадиган, ўзаро фойдали ҳамкорлик учун курашади. Деҳли университети вакиллари мендан келгуси йилнинг январь ойида худди шундай илмий анжуманни ташкиллаштириш ва унга раис бўлишни таклиф қилди.


— Янги йилдаги режалар? Қолаверса, ўтиб бораётган

Сўзбедош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ДУСТЛИК» ОРДЕНЛИ  
НАВОИЙ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ жамоаси  
барча ватандошларимизни Янги йил байрами — 2005 йил шодиёнаси билан чин дилдан табриқлайди.  
Бугунги кунда мазкур комбинат ер ости бойликларини ўзлаштириш бўйича кўп тармоқли, янги технологияларга эга қудратли комплексга айланганлиги барчага аён. Бу эса мен ўзбекистонликман деган ҳар бир ватандошни фахр-ифтихор ҳиссига чулғайди. 56 минг кишилик комбинат жамоаси кўпмиллатли, яъни қирқдан ортиқ миллатни бирлаштирган. Бугун 80 дан ортиқ хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилиши комбинатнинг дунёда ўз ўрнига эгаллигидан даломат.  
Азиз юртдошлар!  
Сихат-саломатлик йилида авваломбор барчангизга соғлиқ ва осойишталик тилаймиз. Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғуларни тарқ этмасин. Қилаётган меҳнатимиз юртимизга, оилаларимизга қўт-барака олиб кираверсин. Юрда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилларда кўтаринки руҳ доимо ҳукм сурсин.  
Ватанчимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, нияти ғаразлардан Яратганнинг ўзи асрасин!

«САМАРҚАНД АВТОТЕХНИЗМАТ»  
Худудий акциядорлик уюшмаси жамоаси  
барча ватандошларимизни Янги — 2005 йил байрами билан чин дилдан табриқлайди.  
Сихат-саломатлик йилида амалга ошириладиган ишлар, қилинадиган ўзгаришлар, янгиликлар, маънавий ва мағрифий ўзлик, умуман тафаккур уфқининг салмоқлари бундан-да юксак ва салобат касб этишига умидворимиз. Негаки, саломатлик бўлсагина инсон ўз олдига улкан мақсадлар қўя олади. Ва шу мақсаду ният йўлида машаққатли фаолятини-да амалга ошира олади.  
Шуни мамнуният билан айтаимизки, юртимиз автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар каторига қўшилганлиги барчамизда фахр-ифтихор туйғусини юксалтиради. Илоҳим, Сихат-саломатлик йилида ҳар бир хонадон соҳибига ўз автомобилларимизни харид қилиш насиб этсин.  
Дарвоқе, «Самарқандавтотехизмат» худудий акциядорлик уюшмаси ўз автосалонлари орқали сотилган ҳар бир автомобилга 30 минг километрлик масофани қафолатайди, яъни 3 йиллик қафолатли хизмат кўрсатишини маълум қилади.

## ЖИЗЗАХ УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КОЛЛЕЖИ



ториялар, кутубхона, ошхона, спорт майдончаси ўқувчилар ихтиёрида.

— Коллежимизда уй-жой коммунал хизмати йўналишида мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларга пухта билим бериш, хунар ўргатиш учун керакли барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди коллеж директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жамол Камалов. — Эллик кишилик ўқитувчилар ва мураббийлардан иборат жамоамиз бу борда аҳиллик билан меҳнат қилаётир.

◆◆◆  
**Суратларда:** талабалар лингфон хонасида инглиз тилидан сабоқ олмақда; коллеж биноси; директор Жамол Камалов; мактабга таълим йўналиши ўқувчиси Дилдора Олтишева танлаган касбидан мамнун. **Шавкат АКРАМОВ** олган суратлар.

Яқинда Жиззах шаҳрида яна бир касб-хунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уй-жой коммунал хизмати йўналишидаги тўққиз мутахассислик бўйича кадрлар тайёр-

лаб беришга мўлжалланган 450 ўринли ушбу коллежда бугун 611 нафар йигит-қиз касб-хунар ўрганишяпти. Барча қулайликларга эга ўқув зали, синфхоналар, фан кабинетлари, лабора-

Ўзбекистон халқ артисти, Хоразм муштароқ кўшиқчилигининг бетақорор ижрочиси Отажон Худойшукуров ҳаёт бўлганида шу кунларда 60 ёшга тўларди.

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани марказидаги Отажон Худойшукуров номи билан аталувчи санъат саройида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда республика Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Сайид, Ўзбекистон

## БУЮК ҲОФИЗНИ ХОТИРЛАБ...

давлат консерваторияси проректори, профессор Отаназар Матқубов, шоир Ошиқ Эркин ва бошқалар сўзга чиқиб, санъаткорнинг ўлмас кўшиқчилик мактаби ҳақида фикр юритдилар.

Мана беш йилки, туманда Отажон Худойшукуров номидаги халқаро жамғарма фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли ҳар икки йилда кўриктанлов ўтказилиб, унинг голиби бўлган иқтидорли ёшларнинг санъат даргоҳига кириб, ўқишлари учун имконият яратилмоқда.

Тадбирда Эллиққалъа тумани ҳокими Нейматулла Худойберганов Меҳр ва мурувват йили муносабати билан жамғарма томонидан Хўжайли ва Хивадаги меҳрибонлик уйларидаги қимматбаҳо жиҳозлар ажратилганини эълон қилди. Шунингдек, бир қатор ёш ижрочиларга жамғарма томонидан совғалар берилди.

Хотира тадбири ниҳоясида ҳофизнинг шоғирдлари ва ёш санъаткорлар ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Рейимбой  
ЕШИМБЕТОВ,  
Рўзимбой ҲАСАН**

Акциядорлик-тижорат

## «АЛОҚАБАНК»

Жамоаси

Сиз азиз ҳамюртларимизни кириб келаётган 2005 йил билан самимий муборакбод этади. Янги йил барчангизнинг хонадонингизга шоду хуррамлик, сиҳат-саломатлик ҳамда қут-барака олиб кирсин!

Шу фурсатдан фойдаланиб, банк аҳолига товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда қулай восита бўлган пластик карточкалардан фойдаланишни таклиф этади.



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 30-уй.  
Телефонлар: 152-78-75, 152-78-86. [www.alokabank.uz](http://www.alokabank.uz) e-mail: [info@alokabank.uz](mailto:info@alokabank.uz)  
Хизматлар лицензияланган.

### Спорт

## ЁШ ТЕННИСЧИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Важа Узоқов Қозоғистонда ўсмирлар ўртасида теннис бўйича ташкил этилган «Павлодар опен-2004» мусобақасида муваффақиятли иштирок этиб, бош совринни қўлга киритди. Мазкур турнирда Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Ўзбекистондан ўн олти теннисчи ўзаро куч синашди.

— «Павлодар опен-2004» турнирида тўртта учрашув ўтказдим, — деди В.Узоқов. — Финалда мезбонлар вакили Б.Биркинни 4:6, 6:4,

6:1 ҳисобида мағлубиятга учратдим.

Яқунланаётган йилда Важа Узоқов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ҳиндистон, Малайзия, Шри-Ланка, Финляндия ва Мисрда ташкил этилган ўндан зиёд турнирда қатнашди. Фарғонада Халқаро теннис федерацияси (ITF) йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳам бош соврин соҳиби бўлди.

**Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси**

### Тадбир

## «ПСИХОЭКОЛОГИЯ ВА ТЕРРОРИЗМ»

Дунё мамлакатларида сўнгги йилларда экологиянинг янги йўналиши — «Психозология» ривожланиб бормоқда. Маълумки, ушбу фан ҳозирги илму урфон ривожланган шароитда ахборот объектига айланиб қолган инсоннинг ҳолати ва ҳаракати алоқадор илмий билимлар ва амалий усуллар мажмуи ҳисобланади.

Сўнгги йилларда баъзи бир шахслар носоғлом ахборотлар таъсири натижасида ушбу зарарли муҳитга осон тушиб қолиб, террор ташкилотчилари ва ташаббускорлари томонидан осон бошқариладиган объекتلарга айланиб қолаётгани маълум.

Бу масалани чуқурроқ ўрганиш мақсадида «ЭКОСАН» халқаро жамғармасида «Психозология ва терроризм» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Америка-Туркистон ташкилоти раиси Абдулла хўжа, Ўзбекистон диний идораси муфтиси ўринбосари Абдураззоқ қори Юнусовлар билан бир қаторда Ўзбекистонга халқаро қузатувчи сифатида келган АҚШнинг «Weekly Standard» журнали муҳбири, Ислон тараққиёти ва тинчлик институтининг бажарувчи директори Стефан Альфред Шварц ҳам қатнашди.

Турли жамоа ва муассасалар вакиллари билан иборат бўлган давра суҳбати қатнашчилари психозология ва терроризмнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида фикр юритдилар. Тадбир сўнггида Стефан Альфред Шварцга мамлакатлараро фуқаро бирдамлиги ва барқарор ривожланишга қўшган хизматлари учун «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг дипломи топширилди.

**Хуршид РАУПОВ**

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси

## «ТОШКЕНТ ВИНО КОМБИНАТИ»

ОАЖ жамоаси


Халқимизни кириб келаётган 2005 йил —  
Сиҳат-саломатлик йили  
муносабати билан муборакбод этади.

Юртимизга ободлик, элимизга фаровонлик,  
дастурхонимизга файз-барака тилайди.  
Ватандошларга соғлиқ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик,  
ҳамиша муваффақиятлар ёр бўлишини Яратгандан тилаб қолади.

Ниятимиз — асрлар оша мустақиллик ва эркинлик  
шуқуҳи абадий бўлсин!

Бунёдкорлик ва тараққиёт йўлида хормай-толмай  
меҳнат қилаётган жонажон Ўзбекистон аҳлига  
куч-қувват, ғайрат, шижоат тилаймиз.

Янги йилда ҳаммамизнинг  
эзгу ишларимизда ривож ва барака  
бўлаверсин, азизлар!



Жануби-Шарқий Осиёда рўй берган табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда.

Зилзила ва тўфондан талафот кўрган мамлакатларга жаҳон жамоатчилиги томонидан самолётларда инсонпарварлик юклари етказилмоқда. Вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларда ҳалок бўлганлар сони эса ортиб бормоқда.

Охирги маълумотларга қараганда, яқшанба кун рўй берган табиий офатлар 60 минг одам ҳаётига зомин бўлди. Жануби-Шарқий Осиёнинг миллионлаб аҳолиси бошпанасиз қолди.

Офатлардан зарар кўрган

одамларнинг ягона умиди ҳалқаро инсонпарварлик ташкилотлари ва БМТдан. Турли даражада зарар кўрган давлатлар кутилмаган офат қурбонига айланган барча одамларга ёрдам кўрсатиш учун пули етмаслигини тан олишди.

Талафот ҳудудида ҳалок бўлганлар сони:

- Индонезияда — 27174;
- Шри-Ланкада — 21715;
- Ҳиндистонда — 4371;
- Таиландда — 1516;
- Сомалида — 100;
- Мальдив оролларида — 52;
- Малайзияда — 44;
- Бирмада — 30;
- Танзанияда — 10;

Сейшел оролларида — 3; Бангладешда — 2; Кенияда — 1 киши.

БМТ вакилларининг фикрича, тезда чоралар кўрилмаса вазият оғирлашиб бораверади. Ҳалок бўлганларни топиш қийин бўлганлиги учун минтақада эпидемия бошланиб кетиш хавфи бор. БМТ вакиллари шу пайтгача бир вақтнинг ўзиде 10та мамлакатда қўқариш ишларини олиб боришга тўғри келмагани ва шунинг учун бу жараёнда камчиликлар бўлиши мумкинлиги ҳақида жаҳон ҳам-жамиятини оголантирди.



**ЮШЧЕНКО  
ФИКРИЧА...**

Украина муҳолифат кучлари етакчиси Виктор Юшченко ўз тарафдорларини Виктор Янукович бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамаси йиғилишини тўхтатиш учун ҳукумат биносини ишғол қилишга чакирди.

Юшченко фикрича, парламент амалдаги ҳукуматга нисбатан норозилик билдирганидан кейин бундай ҳукуматнинг ҳар қандай йиғилишлари ноқонуний ҳисобланади.

Сайловларнинг иккинчи тури натижаларига кўра, муҳолифат етакчиси Виктор Юшченко рақибни Виктор Януковичдан кўра 8 фоиз кўпроқ овоз олган. Бироқ Янукович сайлов давомида кўплаб қонунбузарликлар кўриб, мағлубиятни тан олмади. Янукович штаби Украинанинг олий судига апелляция билан мурожаат қилмоқчи.

**БОМБА  
ПОРТЛАДИ**

Бағдодда рўй берган кучли портлаш оқибатида 28 нафар одам ҳалок бўлди. Уларнинг 7 нафари полиция ходими.

Бомба полиция яшириниб ётган жангарини қидираётган бинода портлади. Портлаш натижасида бир неча қўшни бинолар ҳам зарар кўрди.

**Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

**«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН**

2005 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 январь, 1,4,8,11,15,18,22,25 февраль кунлари ўтказиладиган аукцион савдолари

Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

- А.Икромов тумани, «Уриқзор» даҳаси. Зарафшон тор кўчасида сатҳи 0,04 га. бўлган тўртта ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 672 000 сўмдан.

Шайхонтоҳур тумани:

- «Коратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Кураш кўчасида сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 2 840 000 сўм.
- Каттабўғ 7-тор кўчасида, майдони 0,012 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 757 680 сўм.

Юнусобод тумани:

- «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 1 352 000 сўм; 2-мавзеда майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 1 014 000 сўм; майдони 0,025 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 845 000 сўм.

Минг Уриқ 1-тор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси. Бошланғич нархи — 2 403 960 сўмдан;

- Ғ.Абдуллаев 2-тор кўчасида ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган учта ер участкаси. Бошланғич нархи — 3 047 200 сўмдан;

— А.Дониш кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,015 га. бўлган иккита ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 616 500 сўмдан; майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 822 000 сўм.

Мирзо Улўбек тумани:

- Хусанбоев кўчасида, майдони 0,015 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 550 200 сўм; майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 733 600 сўм.

— Устабоев кўчасида, майдони 0,0085 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 146 370 сўм;

— Собир Раҳимов тумани, Генерал Гофуров кўчаси ва Тошкент шаҳар йўли бурчагида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган олти ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 392 000 сўмдан;

— Яқкасарой тумани, А.Авлоний кўчасида ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 480 000 сўмдан.

Ҳамда М.Улўбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уйда жойлашган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АК 627 бўлган «Москвич-2141» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 574 426 сўм.

Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчасида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АИ 391 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 2 974 514 сўм.

Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 50-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига қарашли «Марказий» комбинатининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АВ 093 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 2 589 563 сўм.

**Юқоридагиларга қўшимча тарзда 2005 йилнинг 1,4,8,11,15,18,22,25 февраль, 1,4,11,15,18,22,25,29 март кунлари аукцион савдоларини ўтказилади.**

Аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

- Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 95-уйда жойлашган Юнусобод тумани Давлат солиқ бошқармасининг 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЗ 946 бўлган «ГАЗ-330730» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 1 696 687 сўм.

Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар солиқ бошқармасининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЗ 211 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 1 481 511 сўм.

Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 4-уйда жойлашган Ҳамза тумани Давлат солиқ бошқармасининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЗ 264 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 1 481 511 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш автотранспорт воситаларига савдолардан бир соат аввал, ер участкаларига савдолардан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдордаги закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК «Ўзуйжоймагмарбанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлари: 133-23-40, 133-02-49.

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК томонидан 2004 йил 21 декабрь кунини ўтказилган аукцион савдосида «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида жойлашган майдони 9 (3x3) кв.м. бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўкони қуриш ҳуқуқи 2 450 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 000815

**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

«Ўздавархитектурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази

**ТАНЛОВ САВДОСИНИНГ ҚАЙТА ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Денов туманининг Т.Хидоятлов номи ширкат ҳўжалигидаги 58-сонли 315-уринчи мактаб биносини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 270 кун.

Ишнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — мактаб ташкилини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел. 2-49-71, 2-49-80. Факс. 2-49-75.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё ви-

лояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-76-44, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиб кўриш ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.



**«ФАЙЗ» ОАЖ**  
Холдинг компанияси таркибидаги  
**«ФАЙЗЛИ-БАҒДОД»**  
масъулияти чекланган жамияти



**Ўзбекистон халқини, юртимиз меҳмонларини, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижлик тадбиркорлар, ишбилармонларни Янги 2005 йил — Сихат саломатлик йили билан чин дилдан табриклайди.**

**Барчангизга сихат-саломатлик, ишингизга ривож, оилангизга тинчлик, тотувлик тилаймиз. Ўзбекистонимизнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши йўлида амалга ошираётган ишларингиз ҳаминша бароридан келаверсин.**

**Янги ишларингиз муборак бўлсин, азизлар!**



Орамуздаги одамлар

## СИРДАРЁНИНГ ОШИҚ БУЛБУЛИ

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан Сирдарёга — Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг кутлуг таваллуд тўйига бордик. Йўлда кетар эканмиз, хаёлан Тўра аканинг илк тўпламларини завқ билан ўқиганим, у билан бўлган самимий суҳбатлар ёдимга тушди.

Сирдарё педагогика институти (ҳозирги университет)да ўтказилган адабий тадбирларда илгари ҳам кўп қатнашгандим. У пайтларда Тўра аканинг феъл-атворида ўзига хос «галати дарвешлик» борлигини яхши билмасдим. Тўра ака ҳар қандай йиғинга у бошланай деганда келар, шунда ҳам сахнадаги фахрий ўринларга интилмас, бир чеккада — томошабинлар орасида жимгина ўтирар эди. Холбуки, ўша пайтларда ҳам у ҳассос шоир сифатида элимизга танилган, катта-кичик давралар тўридан жой олишга муносиб эди. Одатда ҳар бир тадбирдан кейин бир пиёла чой устида шеърхонлик давом этарди. Аммо Тўра ака бундай давраларда кўринмасди. Бир-икки марта шундай бўлди. Навбатдаги сафарлардан бирида бу ҳақда Тўра акадан сўрадим. У киши сал тарадудланиб турди-да, сўнг: «Э, сиз мени тушунмайсиз-да, ўтиролмаймак бундай давраларда...», — деб жавоб берганди. Тўра аканинг табиатидаги хоксорлиги камтарлик сабабини ўшанда сал англагандай бўлгандим.

Орадан қанча йиллар ўтди. Ёлгон широрларга қўшилиб зўравон шўро ҳукумати ҳам даф бўлди. Халқимиз асрий орзусига — мустақиллик саодатига эришди. Миллий адабиётимизда яна халқона оҳанглар бир маромда оқа бошлади.

Тўра Сулаймоннинг ўтган аср 70-80-йилларида чоп этилган тўпламларини ўқиган киши у замоннинг эмас, ўз халқининг шоири бўлганини, шу босиб бу китоблардаги шеърларда собик тузум сохта гоёлари ўрнига халқнинг дарди, самимий орзулари, ушалмаган армонлари, бир сўз билан айтганда, соф инсоний тўйғуларни улугланганига гувоҳ бўлади. Бу шеърларда шоирнинг жумард қалби ҳам, мардлиги-ю ўжар табиати ҳам аққол гавдаланиб туради. Улардаги табиийлик, дилни ром этадиган самимият, тоғ жилғасидек шўх оҳанглар, соддалик ва теранлик ўқувчига чексиз завқ бағишлайди, уни чуқур хаёллarga толдиради. Шоир умр бебахолиги, меҳр-оқибат, ишқ-вафо абадийлиги ҳақида тўлиб-тошиб кўйлайди, ошиқ қалбини безовта қилган сир-асрорларни оддий, аммо дилга яқин мисраларда, оҳори тўқилмаган ёрқин тимсолларда ифода этади. Тўра Сулаймон «Илтижо»



шеърда мана бундай мардона мисралар тизиб, ўша даврга муносабатини очик билдира олган эди:

**Бу кун қай бир ерда қиш,**

**қайда хазонрезгилик,**

**Қайларда ёз, қайда куз,**

**қайда жондан безгилик,**

**Кўкларнинг ҳар нафаси —**

**умрга арзигулик,**

**Богсиз, богбонсиз ерда**

**не ҳам қилсин эзгулик...**

**Баҳор, кетма менинг богимдан!**

Шоир одамларни «жондан безгилик» қилиб қўйган ҳаётга нозик ишора қилаётганини сезгир ўқувчи англаши қийин эмас. Шеър мисраларига сингдириб юборилган бу поэтик гоё кейинги бандларда янада кўчада:

**Ёз бўйи қорга зорман,**

**қишда баҳорга зорман,**

**Чаманда гул бўйига интиқман,**

**интизорман.**

**Куз келмай хазон бўлган севи,**

**гулдан безорман,**

**Баҳорсиз ҳам диёрсиз**

**эл ичра беназарман,**

**Баҳор, кетма менинг богимдан!**

Бу мисралар фақат шоирнинг эмас, халқимизнинг ҳам «баҳорсиз» ўтган кунлари ҳақида кишида тиник тасаввур уйғотади. Аммо «диёрсиз» ифодасини қандай тушунмоқ керак? Шоирнинг аниқ макон-манзили, яшаб турган «диёри» бор эди-ку! Аслида шундай, бироқ шоир ёлгонларга тўлиб-тошган, одамларни қуруқ ваъдалар билан қўл қилиб ишлатаётган, юрт бойликларини талаётган шўро тузумини диёрим деб ҳисобламапти. Тўра Сулаймон ана шундай росттўй шоир. У халқимиз ёруғ кўнларга етиб боришига кўп йиллар умид қилиб яшади, бунга астойдил ишонди.

Кўп бўлди кўрган кўрмаганларим,  
Хали олдиндадир ёруғ кўнларим.  
Дунёга бергусиз кутлуг онларим,  
Эртдан умидвор  
Хушхон булбулман.

Шоирнинг ўзига хос тили, бетакрор ифодалари ҳақида ҳам хоҳлаганча гапириш мумкин:

**Ўсма қўйди кўклар уфқ қошига,  
Сел урилди дарё, ўзан тошига,  
Сўфитўрғай кўнди уват бошига,  
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.**

Тасвирнинг нақадар жонлилиги ва сўзларнинг халқоналигига қойил қолмай илож йўқ. Бундай самимият ва жозибадорлик камдан-кам ижодкорга насиб этади. Бунинг учун шоир тўғма истеъдод, нозик кузатувчанликдан ташқари катта ҳаёт мактабини ҳам ўтаган бўлиши керак. Болалигида кўп оғир кўнларни бошдан кечирган, «бир сизир ва бир уй оласизлар» деган алдов билан Мирзачўлга кўчирилиб, зах ертўлада яшашга маҳкум этилган оиланинг изтироблари, норасидаларнинг оху ноласи дилига мўҳрланган ўсмирнинг шоир бўлмаслиги мумкин эмас эди. Унинг шеърларидаги ҳаётийликнинг илдизлари ҳам халқ бошига тушган ана шу мусибатларга, дард-хасратларга, орзу-армонларга бориб туташади. Юртдошларининг машаққату севиш-ташвишларга тўла кўнлари унга ҳаммаша илҳом ва мадад берганлигига шубҳа йўқ...

◆◆◆

Шу кун Гулистон шаҳрида Тўра Сулаймоннинг 70 ёшлик тўйи тантанали нишонланди. Шундан сўнг бир гуруҳ ижодкорлар вилоят ҳокимлигида қабул қилинди. Таниқли шоир Тўра Сулаймоннинг ўтказилаётган юбилейи маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам гоёта аҳамиятлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, икки улкан дарё — Сирдарё ва Амударё оралигида жуда кўп машҳур сиймолар ижод этиб, жаҳонга ўзбек элининг шухратини таратганлар. Бу заминда вояга етган буюк шоирлар бадий ижод қилиш билан бирга давлат ишларида ҳам фаол қатнашиб, кўпчилиكنинг манфаати йўлида фидокорлик кўрсатганлар.

Халқ оҳанглари йўлида баракали ижод қилиб, захматли меҳнати, ҳалоллиги билан эл-юрт хурматида сазовор бўлган Тўра Сулаймон камтарин бир шоир сифатида бугун ҳар қанча эъзозга, ардоққа муносиб ижодкордир. Унинг таваллуд тўйи фақат сирдарёликларнинг эмас, ўзбек адабиётининг катта байрамидир.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ



O'ZSANOATQURILISHBANK

Азиз юртдошлар, акциядорлар  
ва мижозлар!

«Ўзсаноатқурилишбанк» Сизларни кириб келаётган

ЯНГИ — 2005 ЙИЛ

билан чин дилдан қутлайди.

Ушбу айём ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик,  
қут-барака, фаровонлик олиб келсин.«Ўзсаноатқурилишбанк»  
ойлик маошни  
хаққароVISA  
ELECTRONBA  
VISA  
CLASSIC

пластик карточкалар ёрдамида тўлашнинг замонавий усулини таклиф этади.

## ОЙЛИК МАОШ ЛОЙИХАСИ:

Корхона учун афзал томонлари:

- бухгалтерия касса операциялари ҳажми қисқаради;
- ойлик маош учун навбат қутишлар бўлмайди;
- нақд пул воситаларини сақлаш ва уларни ташиш хатарлари камаяди.

Ходимлар учун афзал томонлари:

- «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча бўлим, филиал ёки банкоматларидан нақд пул олиш имкониятига эга;
- товар ва хизматлар учун тўловларни VISA терминаллари ўрнатилган магазин ёки хизмат кўрсатиш муассасаларида амалга ошириш мумкин (шу жумладан машиш ва бошқа хизматлар учун);
- Сизнинг пулингиз ҳар кун Сиз учун ишлайди, ойлик маош ҳисоб рақамидаги пул қолдигига фойз тўланади ва тўлиқ ҳимояланиши кафолатланади.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ —  
ХАВФСИЗ, ИШОНЧЛИ ВА САМАРАЛИ.

Маълумот учун телефонлар: 120-43-39, 120-45-46.

Хизматлар лицензияланган.

## «НАМАНТАН ЭКСТРАКТ-ЁҒ»

очик акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили  
муносабати билан қизғин муборакбод этади.Корхонамизнинг аҳил жамоаси Меҳр ва мурувват йилида самарали меҳнат қилди.  
Элимизга кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб берилди. Келгусида бу борадаги  
ишларимизни янада ривожлантириш асосий мақсадимиздир.Барча юртдошларимизни  
байрам билан қутлар эканмиз,  
Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида  
тинчлик, осойишталик ҳукм суришини  
тилаб қоламиз.  
Хонадонлардан қут-барака,  
тўқинчилик аримасин!

**BS**  
**BURSEL**  
GROUP

**Жамоаси**

**Ўзбекистон  
халқини  
кириб келаётган  
Янги — 2005 йил  
байрами муносабати  
билан самимий  
табриклайди.**

Яқунланаётган йилда  
Ўзбекистонда улкан  
иқтисодий, ижтимоий-сиёсий  
ислохотлар амалга оширилди.  
Компаниямиз аҳли бу жараённи  
изчил қўллаб-қувватлайди.  
Бугун биз қутлуғ байрам  
билан мамлакат халқини  
табриклар эканмиз,  
Янги йил ҳар бир оилага  
сихат-саломатлик,  
тинчлик-хотиржамлик,  
омад ва  
бахт келтирсин.

**КАПИТАЛБАНК**

**Янги — 2005 йил Сиз учун ижобий  
ўзгаришлар, тинчлик ва  
барқарорлик йили бўлсин.**

**Хонадонларингизни  
файзу барака ва меҳр-мурувват  
ҳеч қачон тарк этмасин.**

**Сизга мустаҳкам соғлик,  
кўтаринки руҳ ва бошлаган  
барча ишларингизда омад ёр  
бўлишини ҳамда  
орзу-ниятларингиз ушалишини  
астойдил тилаб қоламиз.**

**«Капиталбанк» жамоаси**

**«ШАҲРИСАБЗ-  
КОНСЕРВА»**

**очиқ акциядорлик жамияти жамоаси**

Янги йил Ўзбекистон халқи  
хонадонига қут-барака, кўнглига  
ойдинлик, умрига ёруғлик,  
бахт ато этишини тилайди.

**Ҳар тонг отиши ва  
куёш ботиши ҳар бир  
кўнгилга насиб айласин!**

**«Шаҳрисабз-консерва» очиқ  
акциядорлик жамияти жамоаси**

Ўтаётган йил ўйлари

# МЕХР-МУРУВВАТДАН — СИХАТ-САЛОМАТЛИККАЧА

Инсон зоти борки ҳамisha ҳаётдан эзгулик кутиб яшайди. Муҳаббатга, оқибатга, эътиборга муҳтож бўлади. Яқин ўтмишда биз бу тушунчаларни анча моддийлаштириб юборгандик. Лекин, аксинча, бу туйғулар асрлар давомида маънавий мазмун касб этиб келган. Мехр нима? Муҳаббат-чи? Мурувват нимани англатади? Дунё яралгандан бошлаб пайдо бўлган бу сўзлар ҳамisha инсоният учун тириклик устуни бўлиб келган. Ўтаётган 2004 йилда халқимиз мана шу саволларга жавоб излаб, миллий қадриятларимиз, умуминсоний омилларни яна қайтадан кашф этди. Бутун жамиятда мехр-мурувват таъминлари устувор бўлди.

Янги йилимиз эса Президентимиз томонидан «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Хўш, Мехр-мурувватдан — сихат-саломатликкача қандай ишлар амалга оширилди? Навбатдаги вазифалар нималардан иборат?

Биз бу ҳақда маълумот олиш мақсадида Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош қармаси бошлиғи Фахриддин ФАЗЛИЕВга мурожаат қилдик.

— «Мехр ва мурувват йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар Сиз раҳбарлик қилаётган тизимда қай даражада bajarилди?

— Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Мехр ва мурувват йили» Давлат дастурини тўлиқ амалга ошириш ишларига вилоятимизда кенг жамоатчилик, ҳомий ташкилотлар, савоатпеша кишилар жалб қилинди. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли 12 мингга яқин кам таъминланган oilларга, қарияларга, болаликдан ногиронларга катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Қаровчиси йўқ ёлғиз кексаларга Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда ҳамширалар доимий равишда бириктириб қўйилган.

Кекса ва ногирон ҳамюртларимиздан 2563 нафари йўлланма билан мамлакатимиздаги энг яхши сихатгоҳларга юборилди. Давлат бюджетидан 4,4 миллион, ҳомийлар томонидан 21,6 миллион сўмлик маблағ ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари харид қилишга сарф этилди. Самарқанд шаҳрида вилоят ногиронларини тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Врачлик меҳнат экспертиза комиссияси йўлланмасига асосан марказга келиб реабилитация курсини ўтаётганлар бу ерда касбий таълим олиб, малакаларини оширадilar. Натижада ишга жойлаштириш имтиёзини берувчи сертификатни қўлга киритадилар. Марказда республика «Ортопедик-реабилитация» корхонаси филиали очилган. Уларнинг ҳаракати туфайли 20 дан зиёд

бола қисқа вақт ичида протез-ортопедия буюмларига эга бўлдилар. Реабилитация муолажаларидан ўтганлар меҳнат қилиш қобилиятларини деярли юз фоиз тикладилар.

Вилоятда мавжуд бўлган «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшаётган қарияларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва уларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Энг аввало бу масканлар тўлиқ таъмирланди. Қўшимча кулайликлар яратилди. Уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Умуман олганда, хайрли ишлар ўз низоҳисига етгани йўқ. Улар янги йилда ҳам давом эттирилади.

— Сихат-саломатлик йилида қандай эзгу мақсадларни амалга оширмакчисизлар?

— Вилоятимизда бугунги кунда жами пенсия ва нафақа олувчилар сони 300467 нафарни ташкил этади. Шундан ёшга доир пенсия олувчилар 184437 нафар, ногиронлик пенсияси олувчилар эса 62144 нафар, боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчилар 26458 нафар ва ихтимоий нафақа олувчилар эса 27428 нафарни ташкил қилади. Биз 2005 йилда вилоятимизда истиқомат қилаётган кекса ота-хонунларнинг саломатлигини яхшилаш борасида бир қатор эзгу ишларни режалаштирганмиз. Бу ишда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Самарқанд давлат тиббиёт институти ва бир қатор ҳомий ташкилотлар кўмакка келишади. Вилоятда яшаётган ёши юз ва ундан ошган улугларимизни аниқлаб, уларга алоҳида тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жойларини



таъмирлаб бериш, ногиронлик гуруҳларини қайтадан қўриб чиқиш, пенсия миқдорини қонун талаблари асосида кўтариш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширамиз. Дастлабки маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Самарқанд вилоятида ёши юзга етганлар 25 нафар, юздан ошганлар эса ўнга яқин экан. Уларга алоҳида ҳам-ҳўрлик кўрсатиш кўзда тутилган. Шунингдек, ногирон болалар муаммолари ушбу йилда алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада ҳам бир қатор вазифалар қўйилган бўлиши мумкин. «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури қабул қилингандан сўнг, бу борада вилоятда қилиниши зарур бўлган масалалар ҳам атрофлича ўрганилади. Аниқ режалар Давлат дастурига биноан тузилади. Кексалик нафақасига чиққан юртдошларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, зарур бўлганда соғломлаштириш ишлари олиб бориш бизнинг асосий вазифаларимиздир.

— Янги йил тилақларингиз?

— Мен биринчи навбатда oilларимизда яшаётган пиру бадавлат ота-оналар доимо соғсаломат бўлишларини истаيمان. Қарилк гаштини узоқ йиллар суриш уларга насиб этсин. Набиралар камолини кўришсин. Шунингдек, oilларимизда улғаяётган фарзандларимиз ҳеч қачон касал бўлмасинлар. Ногирон фарзандлар тугилмасин. Тақдир тақозоси билан шундай аянчи қисматга мубало бўлганлар ҳамisha атрофдагилар ардоғида, давлатимиз ҳамхўрлигида ҳаёт кечирсинлар. Янги йил Президентимиз томонидан «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Бу йилда беморлар сони тубдан камайсин. Инсон учун бебаҳо бойлик бўлган соғлигимиз нафақат ўзимиз, балки жамият учун ҳам муҳим эканлигини унутмайлик.

Сўхбатдош: Фаррух ХАМРОЕВ



Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

## ХАЛҚ БАНКИ

мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини кириб келаётган 2005 йил — Сихат-саломатлик йили билан самимий муборакбод этади.

Янги йилда Сиз, азизларга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва oilвий бахт тилайди. Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин. Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.

Байрам муносабати билан мижозларга «МАРЖОН» — қисқа муддатли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 6 ой муддатга, йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шarti билан камида 50 000 сўм миқдорида Халқ банкнинг барча муассасаларида қабул қилинади.

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!



Халқ банки Сизнинг oilангиз банки!

Хизматлар лицензияланган.

Ташкент шаҳар Чилонзор туманидаги «NUR-NET» хусусий фирмаси ўзининг устав фондиди 2946181 сўмдан 2085000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

**Интер-спорт ЦЗЮГА АТАЛГАН МИЛЛИОНЛАР**

Олти вазн тоифаси бўйича собиқ жаҳон чемпиони Оскар де ла Хойнинг ишлари билан шуғулланувчи, айни пайтда Golden Boy Promotions компаниясининг вице-президенти Эрик Гомеснинг фикрига қараганда, Цзю келаси йили жанг ўтказмоқчи экани маълум бўлган. «Сўзсиз Константин Цзюнинг жанги мароқли, Мексикада унинг мухлислари кўплаб топилади. Айниқса, Хулио Сезар Чавесни 2000 йили нокаутга учратганини ҳамон эслашади, — дейди Гомес. — Шунинг учун унинг бўлажак жанги янада мароқли ва қизиқарли бўлиши ҳақида ўйлаяпмиз. Албатта, Оскар бундай жангга рози бўлса ҳўп яхши иш бўларди». Оскар шунингдек, Шейн Мозли, жаҳон экс чемпиони Вернон Форрест жаҳон мултлак чемпиони Кори Спинкслар билан жанг қилиш нияти борлигини ҳам яширмапти. Агар Оскар билан Цзю ўзаро келишишса, улар ўртасидаги жанг Лас-Вегас шаҳрида бўлади. Бу жангга аталган мукофот сармосия 25 миллион долларга тенг бўлиб, шундан 10 миллиони Цзюга тегиши мумкин.



Yangi yilingiz qutlug' bo'lsin!

## «РОУТАХТ»

меҳмонхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини ЯНГИ ЙИЛ билан чин юракдан табриклайди.

Бахт-саодат, тинчлик, осойишталик ва мустақкам соғлиқ тилаймиз!

Янги китоб

## «МАФТУНИНГМАН, ФУТБОЛ!»



Таниқли спорт шарҳловчиси, отахон тележурналист Ахбор Имомхўжаевнинг «Шарҳ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида «Мафтунингман, футбол!» номли янги китоби босилиб чиқди. Унда ўзбек футболининг тўқсон йиллик катта тарихи, бу йўлдаги ғалабалар ва мағлубиятлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади.

Бутун «миллионлар ўйини» номини олган футбол юртимизга қандай кириб келгани, ўлкаимизда қандай шаклланганлиги, дастлабки футбол жамоалари, футболни янада тараққий эттириш йўлида амалга оширилган фидойиликлар хусусида ўқувчи китобнинг «Юракларни забт этган ўйин», «Мускоманда», «Янгилкининг қаноти бор», «Тобланиш йиллари», «Тенглар ичра тенг бўлиб» сингари сарлавҳалар остида берилган бўлимлари орқали етарлича маълумот олади.

«Ташкентлик футбол фохрииси Павел Журавлев хотираларидан: «Бир кун танлафуз пайтида бизнинг синф раҳбаримиз ва немис тили ўқитувчимиз Эдуард Фингер Берлин шаҳридан обуна орқали келган журналда янги спорт ўйини — футбол ҳақида ўқиганини айтиб қолди. Шу мақоланинг ёнида эса хоҳловчилар фирма номига саккиз сўм юборсалар, бу энди расмга қираётган футбол ўйини учун зарур тўп ва анжомлар билан таъминланадилар, деган эълон чоп этилган экан.

— Сизнинг иккинчи синфингизда қирқта ўқувчи бор, — жим бўлиб қолган болаларга диққат билан қараб деди Фингер. — Ҳар бирингиз 20 тийиндан йиғсангиз бемалол анжомларнинг бир тўпламига этади.

Айтилган сўз — отилган ўқ, Биз тезда саккиз сўмни йиғиб жўнатдик ва бир неча ҳафта ўтиши билан (мана бунини хизмат кўрсатиш деса бўлади) Берлиндан зориқиб кутиб ётган посилкамиз ҳам етиб келди. Унинг ичида чарм тўп, иккита резина камера, иккита хуштак, насос ҳамда тўпни ўйинга қандай тайёрлаш, ҳакамликнинг тартиб-қоидалари ва ўйин ҳақида маълумотлар ёзилган қўлланма бор экан». Китобда

бу сингари ишонарли ва қизиқарли лавҳаларни ўқир экансиз, таассуротларингиз бойиб, «миллионлар ўйини»га янада меҳрингиз ошади.

Шунингдек, муаллиф ўзбек футболининг истиқлол йилларидаги шонли йўли, муаммо ва ютуқлари хусусида ҳам тўққизлаб ёзади. Унинг айниқса, «Пактакор-79» ҳақидаги ўчмас хотиралари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Бир сўз билан айтганда, муҳтарам устозимиз Ахбор Имомхўжаевнинг «Мафтунингман, футбол!» китоби барча китобхонлар учун янги йил арафасида ажойиб байрам тўқфаси бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ТОР ЖОЙДА ОШ ЕГАНДАН — КЕНГ ЖОЙДА МУШ(Т) ЕГАН ЯХШИ

«Тор ерга тана боши сиғмас» (тана — икки ёшли бузоқ), «Ошхонанг кенг — гўрхонанг кенг». Булар билан: «Ҳар бир нарсанинг — уйнинг, ховли-жойнинг, кийим-кечакнинг, киши феълнинг ва ҳ.к. кенглиги, мўл-кўллиги, бемалоллиги яхши. Қисилиб-қимтиниб яшаш курсин!» демуқчи бўладилар.

ТУРҚИ БУЗУҚДАН ХУЛҚИ БУЗУҚ ЁМОН

Бу билан: «Кишининг турқи, яъни ташқи қиёфаси, афт-ангори хунук кўримсиз бўлса-ю, ўзи oilжаноб, камтар, камсуқум, дилқаш, саҳий, оичқ кўнгул, ширинсухан ва ҳ.к. ижобий хусусиятларга эга бўлса — бу яхши, уни ҳамма иззат-ҳурмат қилади, қадрига этади. Аммо, ўзи чиройли бўлгани билан хулқи бузуқ, ахлоқ-одобсиз, дилгир, қўрс, айёр, мўғомбир, эгриқўл, таъмагир, очкўз, бахил, бетамиз, безори, урушқоқ, беҳаё ва ҳ.к. oilлатларга эга бўлган кишини эса ёқтирмайдилар, иззат-ҳурмат қилмайдилар, ўзларини ундан олиб қочадилар, ўрни келганда адабини бериб ҳам қўядилар, дейилмоқчи.

<b>BOSH MUHARRIR:</b>	Shukur ORIPOV
<b>Safar OSTONOV</b>	Shukur ORIPOV
<b>TAHRIIR HAY'ATI:</b>	Alimqul SULTONOV Norbobo SHAKAROV Bosh muharrir birinchi o'rinbosari Andrey ORLOV Bosh muharrir o'rinbosari «Galos Uzbekistana» Nomez SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPBERGENOV Muslihidin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
<b>MUASSIS:</b>	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>	Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98
<b>MANZILIMIZ:</b>	700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
<b>Navbatchesi:</b>	Ravshan SHODIYEV
<b>Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.</b>	
<b>Sahifalovchi-dasturchi:</b>	Ikromjon ISMOILOV
<b>«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.</b>	
<b>Korxonalar manzili:</b>	Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
<b>Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.</b>	
<b>Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.</b>	
<b>Hajmi 2 bosma tobaq.</b>	
<b>«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.</b>	
<b>Г — 257</b>	
<b>7257 nusxada bosildi</b>	
<b>t — Tijorat materiallari</b>	
<b>O'za yakuni — 22.20.</b>	
<b>Topshirish vaqti — 00.50</b>	
<b>2 3 4 5 6</b>	
<b>Sotuvda erkin narxda</b>	